

## БЎЛАЖАК СУРДОПЕДАГОГНИНГ ФАОЛИЯТ ТРАЕКТОРИЯСИ

Файзиева Убайда<sup>1</sup>

*Чирчиқ давлат педагогика университети*

### KEYWORDS

имкониятлар, таълим,  
муаммолари, махсус.

### ABSTRACT

Мазкур ишда бўлажак сурдопедагогларнинг касбий фаолият траекторияси, яъни уларнинг профессионал ривожланиш йўналишлари ва босқичлари ёритиб берилади. Сурдопедагогика соҳасидаги замонавий талаблар, инклюзив таълим шароитида эшитиш имконияти чекланган болалар билан ишлашга тайёргарлик кўриш, амалий кўникмаларни шакллантириш ва уларни методик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масалалари таҳлил этилади. Шунингдек, таълим жараёнида инновацион ёндашувлар, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва мултидисциплинар ёндашувнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: **10.5281/zenodo.15243355**

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

**Кириш.** Мазкур мақолада эшитишда муаммолари бўлган болалар таълими ҳақидаги Низом талабларидан иборат ва эшитишида муаммолари бўлган болалар таълими, уларнинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш орқали нутқи ва нутқий тафаккурини ривожлантириш; таълимни оғзаки сўзлашув нутқ асосида амалга оширилиши; уларни соғлом тенгқурларига тенглаштирадиган даражадаги реабилитациясига эришишга йўналтирилганлиги таъкидланган

**Мақсад:** Эшитишида муаммолари бўлган болалар махсус талими, унда мавжуд муаммо ва камчиликлар, кохлеар имплантация йўли билан болаларнинг эшитиш имкониятининг яратилиши, бунда давлатимизнинг болаларга ғамхўрлиги, эришилаётган натижалар ҳақида маълумотлар келтириш. Махсус мактаб-интернатларда йўл қўйилаётган камчиликларнинг кар, заиф ешитувчи болалар нутқий тафаккурига салбий таъсирини ёритиш

**Муҳокама ва натижалар:** Бугун жамиятимизда болалар таълим олиб ижтимоийлашуви учун кенг имкониятлар, замонавий техника ва технологиялар

<sup>1</sup> Чирчиқ давлат педагогика университети доценти

ривожланган. Бундай шароитда махсус мактаб-интернатларда таълим сифатини ошириш ва болаларни инклюзив таълимга тайёрлаш барча имкониятлар яратилган. Хусусан тараққий этган эшитиш аппаратлар, кохлеар имплантлар, синфда жамоа бўлиб дарс ўтиш учун овозни кучайтириб бериш аппаратлар махсус мактаб интернатларда таълим сифатини оширишга катта имкониятдир.

**XULOSA:** Эшитишида муаммолари бўлган кар, заиф ешитувчи болалар таълими учун яратилган шароитларда кенг фойдаланиш ва таълим сифатини кўтариш биз бўлажак мутахассисларнинг зиммамизда деб ҳисоблайман

Ҳозирги кунда сурдопедагог касби педагогика йўналишидаги универсал касб ҳисобланади, чунки бу йўналишдаги мутахассис тайёрлаш учун

олий таълимда белгиланган ўқув режа бўлажак мутахассисга боланинг ривожланишида учрайдиган барча муаммоларнинг келиб чиқиши, ривожланишининг тиббий, клиник асослари, диагностикаси, махсус психологияси бўйича кенг билим бериш, муаммоларнинг коррексия, реабилитациясини амалга ошириш методикаси, махсус ва инклюзив таълимда уларга таълим бериш методикаси бўйича билим берилишига қаратилган. Бу ихтисосликнинг бунчалик серқирра бўлишининг асоси шунда-ки кар ёки заиф ешитувчи бола карлик, заиф ешитиш билан бу муаммога қўшимча ақли заифлик, ҳаракат-мувозанатида бузилиш, аутистик сферасида муаммо кабилар ҳам учрайди. Бу муаммоларга қўшимча асосий муаммо-ешитмаслик оқибатидаги нутқнинг ривожланмаслиги-соқовлик бўлганлиги сабабли ўқув режада юқоридаги ёналишларнинг барчаси ўқув режада кўзда тутилиши талаб қилинади.

Кенг маънода таҳлил қилганимизда бу соҳада қуйидаги ногиронлик турлари бўйича билим берилиши козда тутилади: кар + ақли заиф, кар + кўр, кар + заиф кўрувчи, калик билан айтизм, ДСП ва карлик каби қўшимча муаммолари бўлган болалар ва уларнинг коррекцион йўналтирилган таълими.

Эшитишида муаммоси билан туғилган ёки маълум сабабларга кўра эшитишини йўқотган фарзанд, оиланинг катта қайғу ва истиробли вазиятга тушишига сабаб бўлади албатта. Лекин ҳозирги кунда бу тузатиб бўлмас, чорасиз муаммо эмас ва бу фан, техника ва медицина соҳаларида эришилаётган ютуқларда яққол намоён бўлмоқда.

Бунга ҳозирги кунда мавжуд бўлган замонавий эшитиш аппаратлари, кохлеар имплантлар мисол бўла олади. Чунки бутун дунёда қанчадан-қанча турли даражада эшитишини йўқотган болалар эшитиб, гапириб кетганларининг гувоҳимиз.

Эшитмайдиган болани эшитиш ва гапиришга ўргатиш жуда завқли ва мароқли жараён. Чунки шундай фарзанди бўлган ота-оналар, фарзандини эшитиши ва гапириб кетишидан умидсизланиб юрган бир пайтда, ҳозирги кунда, ўзлари, ўз фарзандларини ҳам эшитиш, ҳам гапиришга ўргатиш имкониятига эга бўлиб, фарзандини биринчи овозини эшитишга муяссар бўла олади. Эшитмайдиган бола эшитишни бошлаган кундан оқ, дастлабки реакциясини, белгисини намоён қила бошлайди, ва ота-оналари у билан биргаликда завқли овозлар дунёсига шунғиб бораётганини ҳис эта бошлайди.

Ҳозирги кунда замонавий техника ва технологиялар туфайли эшитишида

муаммолари бўлган болаларнинг кўпчилиги сукунат оламидан чиқиб, эшитиш орқали овозларни, инсонларнинг нутқини эшитиш, тушуниш ва гапириш имкониятига эга бўлдилар. Лекин бундай имкониятга эга бўлиш учун бола эшитишни ўрганиши, эшитганини англаши ва унга жавобан аввал овоз билан кейинчалик сўз ва гап орқали жавоб беришни ўрганиши лозим.

Бундай имкониятга эришиш эса ота-она ва оила аъзоларидан катта эътибор, доимий машқ ва мутахассислар билан ҳамкорликда ишлашни талаб қилади. Шунинг учун бу жараёнда биринчи навбатда ота-она ва оила аъзоларининг роли бирламчи ўринга қўйилиши бежиз эмас. Чунки айнан уларнинг бола билан доимий мулоқоти, унда содир бўлаётган ҳар бир ижобий силжишлар, ва қийинчиликларни эътибордан четда қолдирмасдан кузатиш ва интилишлари мутахассислар маслаҳати бўйича изчиллик билан ишлашларигина боланинг муваффақиятли реабилитациясини таъминлайди.

Барча ривожланган давлатларда янги туғилган чақалоқларни универсал аудиологик скрининг текширувдан ўтказиш амалиётига катта аҳамият берилмоқда.

Бу дастурнинг амалиётда қўлланилиши болаларни илк ёшидан, яъни туғилиши билан эшитишини ташхис қилиш имкониятини бермоқда. Айнан шу фактор ва ўта такомиллаштирилган эшитиш аппаратлари, кохлеар имплантларнинг пайдо бўлиши, эшитишида муммолари бўлган болаларнинг эшитиш қобилиятини ривожлантириш самарадорлигига ва нутқий имкониятини самарали ривожланишига катта имконият туғдирмоқда. Бу борада сурдопедагог мутахассисларининг кўп қиррали компетенцияси, замонавий техника воситаларидан самарали фойдаланиши буюм ўрин тутаяди.

Бугунги сурдопедагог мутахассис ешитишида муаммолари бўлган(кар, заиф эшитувчи )болалар билан коррекцион тузатувчи ишларни маромида амалга оширишда қуйидаги фаолиятларни амалга ошириш орқали бу тоифа болаларнинг тўлий реабилитациясига эришиши, овозли дунёга олиб киришга еришиши талаб этади:

- **Техник воситалардан тўғри фойдаланиш.**

Эшитишни коррекцияловчи техник восита оптимал равишда ҳар бир боланинг эшитиш хусусияти, имкониятига мос бўлмоғи керак. Эшитиш аппарати ёки кохлеар имплант оптимал даражада мослаштирилган(настройка қилинган) бўлиши, аппаратдан тўғри фойдаланишни таъминлаш зарур. Уйғоқлик даври давомида аппарат доим тақиб юрилиши зарур.

Аудиолог ва сурдопедагоглар аппаратнинг ишлаш принципларини тушунишга ёрдам беришади: бу аппаратдаги ҳар қандай носозликни аниқлаш имкониятини беради.

**Ота-она билан ҳамкорлиги**

- **Ривожланишнинг узлуксиз баҳоланиши**

Реабилитациянинг муҳим компонентларидан бири мунтазам кузатиб баҳолаб боришдир. Мутахассис боланинг ҳолати ва эшитиш имкониятини аниқлаб бўлгач,

эшитиш қобилияти, нутқи, тилни эшитиб, тушунишини ўзида акс эттирган индивидуал дастур тузиши зарур. Ҳар бир босқичда натижага эришилгандан кейин янги мақсад қўйилади. Бунда аввал Сиз сурдопедагогга боланинг уй шароитида ривожланиб бориши ҳақида асосий маълумотларни берасиз. Кейин сурдопедагог билан биргаликда белгиланган мақсадларга эришиш бўйича иш олиб борасиз. Шунда бу ривожланиш дастури Сизнинг болангиз учун тузилган шахсий дастур бўлишига кафолат бўлади.

- **Эшитишни ўрганишни такомиллаштириш –узлуксиз жараён.**

Болага эшитишни коррекцияловчи индивидуал мосламаси танлангандан кейин болада овозларни эшитиш имконияти, уқуви пайдо бўлади, бунга алоҳида эътибор берибмуайян маъно бера бошлайди. Эшитиш ва нутқни эгаллаш имкониятини ривожлантириш маълум ривожланиш босқичларда амалга оширилади, овоз, товушни эшитишдан то нутқни тўлиқ эгаллашгача. Бола эшитишни ўрганиб олган тақдирда ҳам нутқни эшитиш ва уни англаш учун эшитиш кўникмаларини мустаҳкамлаш тажрибасини ривожлантириб бориш лозим.

- **Ҳаёт , турмуш вазиятларидаги ўзаро фаолият**

Бола эшитадиган товушлар, овозлар, сўзлар боланинг ёши, имконияти, қизиқишага мос бўлиши лозим. Эшитиш кўникмалари муайян ҳаётий вазиятларда кундалик мулоқот жараёнида мустаҳкамланиб бориши лозим. Боланинг ривожланиб боришига қараб машғулот, ўйинда қўлланиладиган ўйинчоқлар, ўйинлар, қўлланмалар ва нутқ материалини такомиллаштириб ўзгартириб бориш лозим. Шунда боланинг эшитиш кўникмаси ва эгаллаган тажрибаси унинг ривожланиш динамикасига мос бўлади ва нутқнинг мураккаблаштириб бериб боришга имкон яратилади.

Эшитишни ўрганиш болага қувонч келтирувчи вазиятларда, бола учун аҳамиятли бўлган вазиятларда амалга оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эга. Бола қанчалик товушларни англаш жараёнига жалб этилса, унда шунча ривожланиш имкониятлар пайдо бўлади.

- **Биринчи қадам – тинглаш**

Бола визуал образларни куришдан олдин сўзлар, гаплар, жумлаларни эшитиш орқали идрок этади. Бу эса эшитиш образлари, тасаввурини эгаллашнинг самарали усулидир. Эшитиш орқали ўқитиш- оғзаки нутқни ўрганишнинг табиий йўли ҳисобланади.

Нутқнинг кўпгина компоненти мутахассис ёки ота-онанинг юзида кўргазмали равишда аниқ ифодаланмайди, уларни фақат эшитиб тушуниш, фарқлаш мумкин. Масалан овознинг баландлиги, пастлиги, кучи, чўзиқлиги, қисқалиги, шунингдек овоз пайчаларининг тебраниши. Агар асосий сигнал сифатида болага эшитишга товушлар бериладиган бўлса, унда табиий тембрдаги овоз шаклланиши ва уни тўғри ритм ва интонация (ифодалаш) билан ифодалай олиш шанси (имконияти) кўпаяди.

- **Мунтазам тинглаш**

Тинглаш, эшитиш боланинг кундалик фаолиятидаги доимий ва ажралмас қисми, воситаси бўлиши, яъни ҳаётининг асосий, ажралмас қисмига айланиши керак. Эшитиш фақат машғулотнинг маълум қисмига айланиб қолмаслиги лозим. Боланинг машқ қилишга мойилиги ва ҳар қандай интилишига имкон яратиб бериш лозим. Бу борада замонавий, ҳар томонлама етук сурдопедагог кадрлар тайёрлаш етакчи ўринда туради.

### **Адабиётлар**

1. А.Г.Зикеев. Обучение учащихся подготовительного, 1-1V классов школы глухих. Москва, 1984 г.
2. Сурдопедагогика. Под ред. Е.Г.Речицкой. – М.: Владос, 2004.
3. Файзиева У.Ю. Эшитишида муаммолари бўлган болалар инклюзив таълими – А.Авлоний номли ХТХҚТМОМИ, БМТ ЮНИСЕФ халқаро болалар жамғармаси.
4. Файзиева У.Ю. Мактабгача ёшдаги эшитишида мауммоси бўлган болалар таълими. – Тошкент. «ILM ZIYO», 2006.
5. Файзиева У.Ю. Талаффузга ўргатиш методикаси. Талабалар учун дарслик
6. Файзиева У.Ю. Эшитиш идрокири ривожланиш методикаси. Талабалар учун методик қўлланма.